



2016 yil "14" noyabr № 318

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти
Фарғона вилояти ташкилоти ҳисобига
маблағ тўплаш “Хайрия ўн қунлиги”ни
ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 майдаги “Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти тўғрисида”ги 411-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 октябрдаги 458-сонли карори ва “Соғлом она ва бола йили” давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамиятининг 2016 йил 14 сентябрдаги 01/458-сонли хатини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Фарғона вилояти ташкилотининг моддий-техника имкониятлари захирасини мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йил 17-27 ноябр кунлари вилоят Қизил Ярим Ой Жамияти ҳисобига хайрия ўтказиш ўн қунлиги эълон қилинсин.

2. Вилоят Қизил Ярим Ой Жамияти ҳисобига хайрия тўплаш ўн қунлигини самарали ўтказиш мақсадида вилоят ташкилий қўмитаси таркиби 1-иловага, тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоятдаги барча бошқарма, корхона, ташкилот, идора ва муассасалар, ўқув юртлари, хусусий фирмалар, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари, оммавий ахборот воситалари раҳбарларига:

хайрия ўн қунлигини ҳар тарафлама юксак уюшқоқлик билан ўтказишни қўллаб қувватлаш;

жойларда хайрия ўн қунлиги давомида «Соғлом она ва бола йили» давлат дастури доирасида ёрдамга муҳтоҷ кам таъминланган оиласаларга, аҳолининг эҳтиёжманд қисмига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш;

аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш ва уларни биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш, соғлом турмуш юрт фаравонлиги, келажак замини эканлиги борасида тарғиботлар ўтказиш, ёшларни Ватанга мухаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, табиий оғатларда жабрланганларга инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиш борасида олиб бораётган ишларини кенг тарғиб этиш;

Қизил Ярим Ой Жамияти томонидан ўтказилиб келинаётган тадбирлар, ўқув семинарлари ва спорт мусобақаларини ташкил этишда яқиндан амалий ёрдам бериш вазифалари топширилсін.

4. Вилоят Марказий банки ҳамда барча тијорат банкларига 2016 йил 17-27 ноябр кунлари Қизил Ярим Ой Жамияти ҳисобига маблаг йиғиши бүйича ўтказилаётган хайрия ўн кунлиги давомида корхона, ташкилот, идора ва муассаслар, ўқув юртлари, хусусий фирмалар, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларидан бир кунлик иш хақи микдорида тушаётган маблағларни Ташқи иқтисодий фаолият “Миллий банки” Фарғона шаҳар бўлимининг 20212000800216661001 ҳисоб рақамига (МФО 00493, ИНН 201249244), ихтиёрий равишда ўтказилишига яқиндан ёрдам бериш вазифаси топширилсін.

5. Фарғона вилояти Қизил Ярим Ой Жамияти раиси (Ю.Рахимова) хайрия ўн кунлигидан тушган маблағларни жамиятнинг Низомида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек, ижтимоий шерикчилик сифатида аҳолини ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтоҷ катламларига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш, ёшларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фавқулодда вазиятларда жабрланганларга тиббий ва моддий ёрдам кўрсатиш каби тадбирларга мақсадли сарфланишини таъминлаш вазифалари топширилсін.

6. Фарғона вилояти телерадиокомпанияси (Ж.Мамарасулов), «Фарғона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталари бирлашган таҳририяти (Н.Собиров) хайрия ўн кунлиги доирасида олиб борилаётган ишларни кенг тарғибот қилиш ва ёритиб бориш тавсия этилсін.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Кўчкоров зуммасига юклатилсін.

Вилоят ҳокими

Ш.Ғаниев



Вилоят ҳокимининг
2016 йил “14” ноябрдаги
318-сонли қарорига
1-илова

**Фарғона вилояти Қизил Ярим Ой Жамияти ҳисобига хайрия ўн қунлигини
ўтказиш бўйича вилоят ташкилий қўмитаси**
ТАРКИБИ

1	С.Кўчкоров	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси
2	Ю.Рахимова	Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Фарғона вилоят ташкилоти раиси, ташкилий қўмита котиби

Ташкилий қўмита аъзолари

3	М.Ахунжанова	Вилоят ҳокимлиги умумий бўлим бошлиги
4	Ш.Тожихакимов	Вилоят ҳокимлиги котибият мудири
5	F.Боборахимов	Вилоят Ички Ишлар бошқармаси бошлиги ўринбосари
6	А.Ортиков	Вилоят молия бошқармаси бошлиги
7	Х.Бобонов	Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиги
8	О.Умаров	Вилоят Соғликни сақлаш бошқармаси бошлиги
9	Х.Абдуллаев	Вилоят Мехнат бош бошқармаси бошлиги
10	Т.Қундузов	Марказий банк вилоят бошқармаси бошлиги
11	З.Тешабоев	Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиги
12	М.Холдоров	Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиги
13	Ф. Зоҳидов	Маънавият - тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари
14	Ш.Полвонов	«Камолот» ЁИҲ вилоят Кенгаши раиси
15	Ш.Саидахмедов	Фарғона Нефтни қайта ишлаш заводи директори
16	А. Солижонов	«Фарғонаазот» АЖ бош директори
17	У.Абдуллаев	Вилоят электр тармоқлари корхонаси бошлиги
18	А. Эргашев	«Водийгазтаъминот» унитар корхонаси бошлиги
19	Ж.Мамарасулов	Вилоят телерадиокомпанияси директори
20	Н.Собиров	«Фарғона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири
21	А. Хайитбоев	Фарғона Давлат Университети ректори
22	О. Отакулов	Фарғона Политехника институти ректори
23	Х.Маматқулов	Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали директори
24	Б.Мирзакаримов	ТАТУ Фарғона филиали ректори
25	А.Эминов	Қўқон давлат педагогика институти ректори

Вилоят ҳокимининг
2016 йил “14” ноябрдаги
318-сонли қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Фарғона вилояти ҳисобига хайрия
ўн кунлигини ўтказиш бўйича белгиланган тадбирлар**
Р Е Ж А С И

№	Тадбир номи	Ўтиш муддати	Масъуллар
1	Хайрия тўпалаш ўн кунлиги диорасида корхона, ташкилот, муассасаларда ва аҳоли ўртасида Қизил Ярим Ой Жамиятининг фаолияти бўйича кенг тарғибот ишларини олиб бориш	2016 йил ноябрь	Вилоят Кизил Ярим Ой Жамияти, оммавий ахборот воситалари
2	Қизил Ярим Ой Жамияти шаҳар ва туман ташкилотлари жойларда «Маҳалла» хайрия жамоа фонди, «Хотин-қизлар қўмиталари», «Камолот» ЁИҲ фаоллари билан жамият қарамоғидаги якка ёлғиз, ногирон, ёрдамга муҳтож оиласаларга ижтимоий-тиббий, моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш	2016 йил давомида	Вилоят Кизил Ярим Ой Жамияти, «Маҳалла» хайрия жамоа фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати маркази
3	Вилоятдаги Олий ўқув юртлари, касб-хунар колледжлари талабалари, мактаб ўқувчилари ўртасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик, сил каби касалликларини олдини олиш бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш.	2016 йил ноябрь	Вилоят Кизил Ярим Ой Жамияти, ҳалқ таълими, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошкармалари, олий ўқув юртлари
4	2016 йил «Софлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан кам таъминланган, ночор оиласаларга аник адрессли ёрдамлар кўрсатиш кўлами кенгайтириш.	2016 йил давомида	Вилоят Кизил Ярим Ой жамияти, «Махалла» хайрия жамоа фонди
5	Хайрия ўн кунлиги давомида жойларда олиб борилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш.	2016 йил ноябрь	Оммавий ахборот воситалари
6	Кизил Ярим Ой Жамияти ҳисобига ўтказилган хайрия ўн кунлиги юзасидан якуний маълумотларни тайёрлаш ва ташкилий қўмитага тақдим этиш.	2016 йил ноябрь	Вилоят Кизил Ярим Ой Жамияти ва ташкилий қўмита аъзолари